

**БУХОРО АМИРЛИГИ ТАРИХИ ҚЎҚОН МУАРРИХЛАРИ АСАРЛАРИДА**

**Мавзуна Мухиддинова**

*Шарофа Рашидов номидаги*

*Самарқанд давлат университети тадқиқотчиси,*

*СХТУ ўқитувчиси,*

[mavzuna.mukhiddinova@siut.uz](mailto:mavzuna.mukhiddinova@siut.uz)

**Аннотация**

Ушбу мақолада Бухоронинг мангитлар ҳукмронлиги тарихи қўшни хонликлар, хусусан, Қўқон хонлигида ёзилган асарлар асосида ёритилган. Жумладан, Қўқон тарихчиларидан Муҳаммад Ҳакимхон ва Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий каби тарихчилар асарлари ҳақида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** Бухоро, Қўқон тарихчилари, Муҳаммад Ҳакимхон, Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий, «Мунтахабут-таворих», «Тарихи жаҳоннамои», В.В.Наливкин.

**Аннотация**

В данной статье освещена история правления мангитов в Бухаре на основе произведений историков соседних ханств, в частности Кокандском ханстве. Представлена информация о работах таких историков, как Мохаммад Хаким Хан и Аваз Мохаммад Аттар Хоканди.

Ключевые слова: Бухара, историки Коканда, Мухаммад Хакимхан, Аваз Мухаммад Аттар Хоканди, «Мунтахабут-Таварих», «Тарихи Джахоннамои», В. В. Наливкин.

**Annotation**

This article highlights the history of the reign of the Mangits in Bukhara based on the works of historians of neighboring khanates, in particular the Kokand Khanate. Information is provided on the works of historians such as Mohammad Hakim Khan and Awaz Mohammad Attar Khokandi.

Key words: Bukhara, historians of Kokand, Muhammad Hakimkhan, Avaz Muhammad Attar Khokandi, "Muntakhabut-Tavarikh", "Tarihi Jahonnamoi", V.V. Nalivkin.

Манғитлар даври тарихи ҳақида Қози Вафо Карминагийнинг “Тухфаи хоний”, Муҳаммадшариф ибн Муҳаммаднақийнинг “Тожут-таворих”, Мирзо Содиқ Мунший Хронограммалари, Мирий – Мир Ҳусайн ибн Шоҳмуроднинг “Махозин ат-тақво” асари, Муиннинг “Зикри теъдоди подшоҳони ўзбак”, Муҳаммад Яъқубнинг “Гулшан ул-мулук”, Жумақули Хумулийнинг “Тарихи Хумулий” [1] асари каби Бухорода яратилган асарлар билан бир қаторда, Хоразм тарихнавислари, шунингдек Қўқон тарихнавислик мактаби вакиллари тарафидан ҳам ўрганилган. Бу қатламдаги асарларда, асосан, Бухоро билан кўшни давлатларнинг ўзаро муносабатлари, ташқи ва сиёсий, ҳарбий муаммо ва мавзулар кўпроқ ёритилган. Жумладан, Қўқон тарихчиларидан Муҳаммад Ҳакимхон ва Аваз Муҳаммад Аттор Хўқандий асарларида манғитлар ҳукмронлиги даври кенг ёритилган.

«Мунтахабут-таворих» асари ва унинг муаллифи Муҳаммадҳакимхон ҳақидаги маълумотлар асосан шу асардан олинган бўлиб, бу маълумотлар А.А.Семёнов, А.Қаюмов, А.Мухторов, Б.Аҳмедов, Э.Хуршут каби олимлар томонидан умумлашган ҳолда ўрганилган.

Юқоридаги олимлардан академик Азиз Қаюмов бир неча марта Муҳаммадҳакимхоннинг «Мунтахабут-таворих» асарини «Бобурнома» билан тенглаштиргани маълум [2, 102].

«Мунтахабут-таворих» Ўзбекистонда манбашунос олим Энвер Хуршут тамонидан махсус ўрганилди. Э.Хуршут ўз тадқиқотларида асарнинг нусхалари, унинг манбалари, тарихий ва адабий манба сифатидаги аҳамияти, мемуар жанридаги нодир асар экани ва Ҳакимхоннинг саёҳатларини кенг таҳлил қилган [3, 36-42].

«Мунтахабут-таворих» асарини Муҳаммадҳакимхон форс-тожик тилида Китоб шаҳрида 1259/1843 йилининг ёз ойларида ёзиб тугатган. Иловаси 1844 йилнинг охири, 1845 йилида ёзилганини айтиш мумкин. Муаллиф нусхасидан шу 1843 йили яна ўнта нусха кўчирилгани маълум. Муҳаммадҳакимхон асарининг хонлик ҳудудларида кенг тарқалишидан ўзи ҳам манфаатдор бўлгани учун ундан нусхалар кўчиришга ўзи бош-қош бўлади. «Мунтахабут-таворих»нинг ўзбек тилидаги қисқартирилган таржимаси ҳам мавжуд [4, 276-295]. Бироқ, мазкур нусхани Э.Хуршут П.П.Ивановга ўхшаб асарнинг ўзбек тилидаги варианты деб қабул қилишни тавсия қилади. Э.Хуршутнинг тадқиқоти натижасидан маълум

бўладики, ўзбек тилидаги «Мунтахабут-таворих»нинг нусхаси асл форс-тожик тилидаги матнидан анча йироқлашиб кетган. Унда кўп хатолар, воқеа ва саналарнинг чалкашлиги, муаллиф услубини соддалаштириш ёки матнга далолат қилиш ҳоллари кўзга ташланади [3, 44-45].

Бугунги кунда «Мунтахабут-таворих»нинг Ўзбекистон, Тожикистон ва Россия хазиналарида 11 та нусхаси сақланади. Улардан №С 470 (Россия), №63 (Тожикистон) ва №592 (Ўзбекистон)даги нусхалари энг тўла ва яхши кўлёмалар саналади.

Асарнинг Шахрисабзда Муҳаммадамин котиб тамонидан кўчирилган бир нусхасининг факсимилеси икки жилдда 1984 йили Душанбеда чоп этилди [5]. 2006 йили Муҳаммадҳакимхон асарининг иккинчи жилди араб-форс ёзувида Токиода ҳам босилиб чиқди [6]. Асарнинг V бобидаги 11 бўлим манғития салтанати ва 12 бўлим минг сулоласи ҳукмронлигига бағишланади.

Асарнинг мана шу охириги икки мавзуга бағишланган бўлимлари жуда оригинал ва катта аҳамиятга эга қисмларидир. Муҳаммадҳакимхон ўз асарининг манғитлар қисмини ёзишда юқорида зикр қилинган. Муҳаммадвафо Карминагий ва Олимбек ибн Ниёзқулибек қаламларига мансуб «Тухфат ал-хоний», Муҳаммадшариф ибн Муҳаммаднакийнинг «Тожут-таворих» ва бошқа муаллифларнинг асарларидан фойдаланган. Бундан ташқари муаллиф ўша давр воқеаларнинг иштирокчиларидан кўпгина маълумотларни кўлга киритиб, улардан унумли фойдаланган.

Кўқон тарихнавислик мактабида шоир, котиб ва тарихчи Авазмуҳаммад Аттор ибн Мулло Сўфи Муҳаммад Аттор Хўқандий ўзининг серқирра ижоди билан катта из қолдирган. Унинг номи Шарқ адабиёти ва маданиятида тарихчилар Наршахий, Табарий, Жузжоний, Балъамий, Насриддин Байзавий, Рашидаддин, Фахриддин Банокатий, Ҳамидуллоҳ Қазвиний, Муҳаммадшабонгаройи, Фасиҳиддин ал-Ҳафавий, Али Яздий, Мирхонд, Хондамир, Ҳакимхон ва бошқа машҳур мутафаккирлар билан бир қаторда туради.

Авазмуҳаммад Аттор ҳаётига тегишли маълумотлар жуда ҳам оздир. У ўзининг асарларида таржимаи ҳолига тегишли баъзи хабарларни беради. «Тарихи жаҳоннамойи» муаллифи XIX асрнинг бошларида дунёга келиб, шу асрнинг 70-йилларида вафот этган. Авазмуҳаммад Умархон, Муҳаммадалихон, Шералихон,



Худоёрхон, Маллахон, Султон Саидбек ва Қўқон тахтига қисқа бир муддатга кўтарилган хонларга замондош бўлиб, кўп тарихий воқеалар ва ҳодисаларнинг гувоҳи бўлган. Унинг бир ўғли борлигини В.В.Наливкин ўз китоби «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи»да қайд этади. Чунки В.В.Наливкин «Тарихи жаҳоннамои» асарини Авазмуҳаммаднинг ана шу ўғли кўлида кўрган ва ундан фойдаланган экан.

Авазмуҳаммад Аттор умумжаҳон тарихига бағишланган икки жилдли «Тарихи жаҳоннамои» («Жаҳонни кўрсатувчи тарих») ҳамда Қўқон хонлиги тарихига оид «Тухфатут-тавориҳи хоний» («Тарихнинг шоҳона тухфаси») номли асарлар муаллифи ҳамдир.

Бу асарда Авазмуҳаммад Аттор Шарқ тарихнавислик анъаналарига риоя қилиб, умумжаҳон тарихини ёритган.

Асардаги “Манғития сулоласининг Бухорода ҳукмронлиги (743а-802а) даври Бухоро тарихчилари асарларини ҳам жалб қилган ҳолда ёзилган. Ундаги манғитлар сулоласининг давлат тепасига келиши, биринчи манғит ҳукмдорлари, шунингдек Амир Ҳайдардан бошлаб Амир Музаффаргача бўлган воқеалар, айниқса Қўқон хонлиги билан алоқадор тарихий воқеалар ҳақида қизиқарли ва давр гувоҳи тилидан баён этилади.

Шундай қилиб, юқорида кўриб чиқилган тарихий асарлар мазмун, моҳият ва таркиблари жиҳатидан давр тарихнавислигининг муҳим ва долзарб мавзуларига бағишланган. Уларнинг асосий мавзулари сиёсий-тарихий воқеалар, манғитлар сулоласининг тахт тепасига келишлари, сулола ҳукуматининг легитимлик масаласи, сулола вакилларининг давлат бошқарувидаги малака ва маҳоратлари, амирлик таркибига кирган вилоятлар тарихи, марказлаштирилган давлатни тузишдаги амирлар сиёсати ва олиб борилган курашлари, қўшни мамлакатлар билан олиб борган сиёсатлари ва диний ислохотлар бўлган. Тарихий асарлар билан бирга тазкира ва маноқибларни ўрганиш мавзуни кенг ёритилишига яқиндан ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлаш жоиз.

**Iqtiboslar/Сноски/References**

1. Мулло Жумақули Хумулий. Тарихи Хумулий. Самарқанд-Тошкент, 2013, "Mega Basim Baha Is Merkezi нашриёти, Haramidere", Istanbul, Turkey.-243 б.
2. Воҳидов Ш. Қўқон хонлигида тарихнавислик (шаклланиши)... – Б. 102 ва кейингилари.
3. Хуршут Э. «Мунтахаб ут-таворих» – важный источник по истории Средней Азии и сопредельных стран // Общественные науки в Узбекистане. 1984. – № 7; «Мунтахаб ат-таварих» как источник по истории Средней Азии и сопредельных стран XVIII-XIX вв // Общественные науки в Узбекистане (ОНУ). 1984. – № 7. – С. 36-42;
4. Мухаммад Хаким хан. Мунтахаб ут-таворих (пер. с персидского Э.Хуршута) // Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX вв. – Ташкент: Фан.1988. – С. 276-295;
5. Изучение среднеазиатских источников XVI-XIX веков: значение, состояние, проблемы // Общественные науки в Узбекистане. 1989. – № 2. – С. 49-53. ва б.
6. Muhammad Khakim – khan. Muntakhab al-tawarikh. Selected history. Vol.II. Y. Kawahara, K. Haneda (tls). – Tokio,2006.